

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАР СИЙМОСИНИ ЎРНИ

С. Ф. Абдирасилов

п.ф н, проф.в.б. Низомий номидаги ТДПУ,

М. С. Юлдашева

Тошкент шаҳар 152 –мактаб тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси.

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон халқ рассоми, академик Малик Набиев ижодидаги илк ижодий юксалишлари, турли йилларда яратган асарларини йўналишлар бўйича таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: тарихий шахс, рангтасвир, сиймо, портрет.

Аннотация: В данной статье представлена анализ произведений работ изобразительного искусства, созданные в разные годы и творческого роста узбекского народного художника, академика Малика Набиева.

Ключевые слова: историческая личность, живопись, образ, портрет.

Ўтган асрда бадий ижодлари билан машҳур бўлган рассомларимиздан Ўрол Тансиқбоев, Малик Набиев, Чингиз Ахмаров, Ҳикмат Раҳмонов, Самиғ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Зокир Иноғомов, Маннон Саидов, Неъмат Қўзибоев, Рўзи Чориев, Бахтиёр Бобоев ва кўплаб бошқалар машҳур картиналар яратиб, санъат сирларини истеъдодли ёшларга ўргатиб устозлик қилиб келганлар.

Яқинда Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилган анъанавий халқаро санъат фестивалида “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Малик Набиев таваллудининг 105 йиллигига бағишланган турли йилларда яратган асарлар кўргазмаси намоиш этилди.

Малик Набиев 1928-1930 йилларда Ўзбекистон санъат музейи қошидаги рассомлик студиясида тасвирий санъат мактабида биринчи иқтидорли ўзбек рангтасвирчи рассомларидан бири бўлган Баҳром Ҳамдамийдан сабоқ олган. Ўша даврда бу студия Ўзбекистон рассомлар уюшмаси томонидан ёш ижодкорларни кашф этиш мақсадида очилган эди. Кейинчалик Малик Набиев Тошкент бадий билим юртида ўқишни давом эттиради ва кўп ўтмай бўлажак ижодкорларга тасвирий санъат сирларидан сабоқ бера бошлайди.

Рассомнинг дастлабки асосий ижодий йўналиши тарихий жанрларда портретлар ишлаш бўлиб, асосан, олимлар ва таниқли тарихий маданият арбоблари портретларини яратди. Профессор Малик Набиев 1957 йилдан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини бадиий-графика факултетига фаолият кўрсатди.

Рассом Малик Набиев ҳақида Г.Остонова ўз мақоласида шундай ёзган: “Санъат шундай сеҳрли нарсаси, унда инсон ўзини доим ёш, гуллаётгандек хис қилади, меҳнатдан чарчамайди ва усиз ўз ҳаётини тасаввур қилаолмайди ва машҳур рассом Малик Набиев ана шундай ижодкорлардан ҳисобланади. Унинг портретларида инсон ички олами уйғунлиги берилган, ҳиссиётлар энгил тусларда акс эттирилади”.¹

Устоз рассом чет эл ижодий сафарларда жуда кўп бўлган. Дунё тасвирий санъатидаги ўзгаришларни, турли мамлакатлардаги асарларни синчковлик билан кузатиб борди.

Мана шу изланишларнинг самараси бўлган Ҳиндистон, Куба, Шри Ланка, Сурия таассуротларига доир лавҳалар, чизғилар, композитсион асарлар ўз ижодидан ўрин олган.

Уларнинг орасида рассомнинг “Спитамен кўзғолони”, “Беруний портрети”, “Тамарахоним”, “Чўпон”, “Врач Махмудованинг портрети”, “Қурувчи” сингари асарлари алоҳида ажралиб туради. М.Набиев, шунингдек, ўзбек халқининг буюк фарзандлари Бобур, Фитрат, Усмон Носир, Амир Темурнинг туркум портретларини яратди.

Устоз рассом ижодидаги илк ижодий юксалишлардан бири - бу Абу Райҳон Беруний сиймосидир. Ижодкор изланишларининг иккинчи ижодий чўққиси эса 1990 йилларда Амир Темур қиёфасини яратиш бўйича ўтказилган танловнинг ғолиби бўлиши эди. Ўшанда Малик Набиев яратган «Амир Темур портрети» кўпчилик санъатшунослар томонидан эътироф этилди.

Малик Набиев хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, рассом «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган. Академик Малик Набиевнинг мўйқалами замонавий ва тарихий мавзуларни кенг қамраб олган. Унинг бой ижодий меросини уч йўналишга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи йўналишда асосан атроф-муҳитдан олган ҳайратлари ўз аксини топган. Жумладан, «Мироб», «Соғлом авлод учун», «Шарифжонова портрети», «Ғишт терувчи», «Санъатшунос И.Раҳмонкулова», «Гилям тўқувчилар», «Ўймакор уста» каби асарларида ўзи қалбан сезган, идрок қилган воқеаларни табиий, бевосита мулоқот асосида ифода этади. У кундалик воқеалар силсиласидан, ўз тасвир имкониятидан, мушоҳада кўлампидан келиб чиқиб портретни тасвирларкан, ички туйғуларини ранглар тили билан баён этади. Рассом ижодининг

¹ Остонова Г.Р. Портреты Амира Тимура и Захириддин Мухамеда Бабура в творчестве народного художника Узбекистана Малика Набиева. // Молодой ученый. № 11, 2016. с. 1617-1619.

устуни бўлган иккинчи асосий йўналиши буюк инсонлар, яъни тарихда ўчмас из қолдирган шахслар қиёфасини ва тарихий воқеалар руҳини қайта тиклаш, жонлантиришдир. «Тахтда ўтирган Амир Темур», «Бибихоним портрети», «Абу Райҳон Беруний», «Бобур портрети», «Аҳмад ал-Фарғоний», «Мирзо Улуғбек», «Ар-Розий портрети», «Бехзод портрети», «Чўлпон», «Қодирий» портретлари шулар жумласидандир. Бу йўналишдаги асарларда рассом узок ўтмишда яшаган ва содир бўлган воқеалар кўламини яхлит уйғунликда тасвирлашга эришган.



1.Бобур портрети.1969. 3.Беруний портрети.1973. 2.Амир Темур портрети.1994.

Дунё бўйлаб қилган сафарларидан олган таассуротлари, яъни турли мамлакатлар халқлари руҳий оламининг акс-садоси бўлган хайратлари асосан учинчи йўналишга доир асарларида акс этади. «Тожмаҳал» ва ҳинд халқи ҳаётидан ишланган лавҳалар, айрим чизғилар, портрет ва меъморчилик ёдгорликлари акс этган суратлар шулар сирасидандир. Куба, Индонезия, Япония ва бошқа мамлакатлардан олган таассуротлари йиғиндиси ҳам бу изланишларда ўз аксини топган.

Мана шу санъат асарларининг барчаси устоз санъаткорнинг табаррук ёшида яратган ноёб дурдоналаридир.

Ўзбек рангтасвири устаси Малик Набиев ҳар бир тарихий шахслар сиймоси портретини яратишда анча муддат тайёргарлик кўрди, айримларини яратишда ўрта асрлар миниатюраси билан ҳам чуқур танишди. Шу билан бирга у тарихий адабиётларга ҳам таянди.

Бу борада америкалик олим тарихчиси Сартон Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо бериб, XI асрни «Беруний асри» деб таърифлаган. Бундай юксак ва ҳақли баҳолаш, аввало, қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси билан изоҳланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Беруний илмий масалаларда ҳам, тарихий воқеа-ҳодисаларга, ўз замондошларига баҳо беришда ҳам ўта холислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритган. Шу боис ҳам у ҳаётда кўп азиятлар чеккан, ҳатто умрининг охирида турмуш қийинчиликларига дучор бўлган,

аммо ҳар қандай оғир шароитга қарамасдан, эътиқодидан қайтмагани унинг ўз маънавий идеалларига нақадар содиқ бўлганидан далолат беради.

Рассом Малик Набиев 1994 йили яратган портрети ҳукмдор Амир Темур образининг эталони сифатида қабул қилинди. Рассом ўз асарида ўзига ишонган, ақлли ва қарори қатъий ҳукмдор образини яратди ва ўзининг тарихий портретида катта муваффақиятга эришди. Бу асар унга шуҳрат ва ҳурмат келтирди. Портретда буюк саркарда олтин тож кийган ҳолатда тасвирланган.

Демак, Малик Набиев томонидан яратилган барча тарихий шахслар сиймоси образларида уларнинг характери очиқ берилган. Рассом бу портретларни катта кудрат, ҳаётий куч билан давр руҳи акс эттирилган тарихий ҳужжатга айлантирган десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Маматов У. Роль искусства и художественного образования в духовной модернизации современного общества. Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. МРДИ. - Т.: “Санъат”, 2018.
- 2.Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. - Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
- 3.Остонова Г.Р. Портреты Амира Тимура и Захириддин Мухамеда Бабура в творчестве народного художника Узбекистана Малика Набиева. // Молодой ученый. № 11, 2016. с. 1617-1619.
- 4.Ahmedov, M.-U., & Xolmatova, F. (2021). TEACHING STUDENTS TO DRAW ELEMENTS OF PATTERNS IN WOOD CARVING CIRCLES. Збірник наукових праць ЛОГОΣ. <https://doi.org/10.36074/logos-30.04.2021.v2.17>
- 5.Talipov, N., & Talipov, N. (2021). CREATIVE TECHNOLOGIES FOR THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' CREATIVE ACTIVITY THROUGH ART EDUCATION. Збірник наукових праць ЛОГОΣ. <https://doi.org/10.36074/logos-19.03.2021.v3.12>
- 6.Талипов, Н., & Талипов, Н. (2021). Проблема исторического жанра в изобразительном искусстве: взгляд на творческую школу художника Малика Набиева. Общество и инновации, 2(4/S), 607–613. <https://doi.org/10.54274/2181-1415-vol2-iss4/S-pp607-613>
- 7.Muratov, K. K., & Tadjieva, F. M. (2021). Issues of Improving the Technology of Organization and Management of Independent Learning Activities of Students in the Fine Arts. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(11), 521-525.
- 8.Saodat Makhkamova Bakhtiyarovna. (2021). QUESTIONS OF PREPARING FUTURE TEACHERS FOR ARTISTIC GAFUR ABDURAKHMANOV ANALYSIS OF WORKS OF FINE ART IN SCHOOL. Euro-Asia Conferences, 5(1), 13–18. Retrieved from <http://papers.euroasiaconference.com/index.php/eac/article/view/437>

9. Ravshanovich, J. R. (2021). Rangtasvir Taraqqiyotining Ustuvor Yo'nalishlari. Бошқарув ва Этика Қоидалари онлайн илмий журнали, 1(6), 137-148.
10. Jabbarov, R. (2021). Sharq uyg'onish davri yetuk san'atkori buyuk miniatyurachi musavvir Kamoliddin Behzod ijodi ta'sirida yuzaga kelgan o'ziga xos yo'nalish. Жамият ва инновациялар, 2(5/S), 59–67. <https://doi.org/10.54274/2181-1415-vol2-iss5/S-pp59-67>
11. Jabbarov, R. (2019). Formation of Fine Art Skills by Teaching Students the Basics of Composition in Miniature Lessons. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 17(1), 285-288. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v17.1.1424>
12. Nazirbekova, S., Talipov, N., & Jabbarov, R. (2019). Described the Educational, Scientific, and Educational Institutions of the Miniature. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(2), 364-367. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v15.2.1192>
13. Абдирасилов, С. Ф., Назирбекова, Ш. Б., & Махкамова, С. Б. (2016). Художественно-культурные традиции узбекского народного искусства на уроках изобразительного искусства. Личность, семья и общество: вопросы педагогики и психологии, (11 (68)), 32-42.
14. Nazirbekova, S. (2021). THE IMPORTANCE OF FIELD PRACTICE IN FINE ARTS. Збірник наукових праць ЛОГОС. <https://doi.org/10.36074/logos-19.03.2021.v4.35>
15. Akhmedov Mukhomod-Umar Bakhridinovich. (2022). THE IMPORTANCE OF FOLK APPLIED ART IN THE FORMATION OF YOUTH CREATIVE ACTIVITY. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 3(02), 142–156. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-02-23>
16. Нуртаев, У. Н., & Махкамова, С. Б. (2016). Вопросы подготовки студентов к художественно-творческой деятельности. Молодой ученый, (7), 687-691.
17. Jabbarov, R., & Rasulov, M. (2021). FURTHER FORMATION OF STUDENTS' CREATIVE ABILITIES BY DRAWING LANDSCAPES IN PAINTING. Збірник наукових праць ЛОГОС. <https://doi.org/10.36074/logos-30.04.2021.v2.09>
18. Абдирасилов, С. Ф., & Назирбекова, Ш. Б. (2017). Компьютеризация и информатизация художественно-практические занятия в обучении студентов. Инновации в науке, (12 (73)), 21-23.
19. Абдусаломходжаев, Н. (2021). Исторические личности в творчестве малика набиева. Збірник наукових праць ЛОГОС.
20. Fayzullaevich, A. S. (2021). The use of the artistic traditions of uzbek folk art in the lessons of fine art. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(10), 54-61.
21. Абдирасилов, С. (2021). Изобразительное искусство узбекистана в патриотическом и эстетическом воспитании школьников. Збірник наукових праць ЛОГОС.
22. Абдирасилов, С. Ф., & Хисамиева, С. (2016). Воспитание школьников в духе патриотизма средствами изобразительного искусства в узбекской школе. Молодой ученый, (1), 667-670.

- 23.Muratov, H. (2021). THE IMPORTANCE OF ORGANIZATION AND MANAGEMENT INDEPENDENT EDUCATION IN THE LEARNING PROCESS. Збірник наукових праць ΛΟΓΟΣ. <https://doi.org/10.36074/logos-09.04.2021.v2.40>
- 24.Kholmuratovich, M. K., Mardanaqulovich, A. S., Ravshanovich, J. R., Sharifovna, K. U., & Shodiyevna, B. O. (2020). Methodology of Improving Independent Learning Skills of Future Fine Art Teachers (On the Example of Still Life in Colorful Paintings). International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(05).
- 25.Akhmedov, M.-U., & Kholmatova, F. (2021). FORMATION OF CREATIVE PROCESSES IN STUDENTS THROUGH TEACHING COMPOSITION IN FINE ARTS. Збірник наукових праць ΛΟΓΟΣ. <https://doi.org/10.36074/logos-09.04.2021.v2.03>

